

МУСТАҚИЛЛИК

ХУКУҚ

ДЕМАКШИР

Юридик газета

1998 йил, 7 январь, чоршанба.

01(13)

Умид қиламанки, Янги йил 1997 йилдан асло кам бўлмайди, иншоолло. Тангри Таолонинг ўзи бизнинг йўлимизни очиб, янги-янги имкониятлар яратмоқда.

Йил бошида қилаётган эзгу тилақларимиз, пок ниятларимиз ижобат бўлиши шубҳасиз. Башлаган савобли ишларимизни давом эттириш йўлида

янги йил муҳим босқич бўлишига аминман.

Мен кўп миллатли мамлакатимиз халқини улуғ ва аҳил бир оилага ўхшатаман. Шу табарруқ оиланинг кундалик ҳаётида ёруғ ва хурсандчилик кунлари қанча кўп бўлса, мен ўзимни шунчалик бахтиёр деб ҳис қиламан.

Ислом КАРИМОВ.

ҲАФТАНОМА

ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЯДИ

4 январь куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов мамлакатимизга амалий ташриф билан келди.

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг яқма-яқма сўхбати бўлиб ўтди. Ислом Каримов Тожикистон ҳукумати танлаган йўл, яъни - сиёсий музокаралар ва мурося йўли - бутун жаҳон ҳамжамияти, БМТ, ушбу тупроқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини истайдиган барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётган йўл эканини таъкидлади.

И.Раҳмонов Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари ўзининг янги, мустақамланиш ва тараққиёт доврига ўтаётганидан мамнуният билдирар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижалари, бу йўлда орттирилган тажрибага юқори баҳо берди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган сўхбат чоғида Президентлар икки давлат ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентларнинг юзма-юз сўхбати ниҳоясига етгач, улар иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

Расмий делегацияларнинг мулоқоти сўнгида икки давлат раҳбарлари Қўшма Баёнотга имзо чекдилар.

Президентларнинг оммавий ахборот воситалари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. У шу куни Тошкентдан жўнаб кетди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ

РЕСПУБЛИКАЛАРИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ АШГАБАД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан 5 январь куни амалий ташриф билан Ашгабадга келди.

Ашгабадда Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат - Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Президентларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувада минтақавий масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди.

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборақ ҳаж амалларини адо этишда қулайликлар ва зарур шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборақ ҳаж зиёратига борувчилага ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарори қабул қилинди.



Эй, фарзанд, яхши хулқ, эзгу ният бахту саодат соҳиби бўлай десанг, меҳрибон волидангинг, муҳтарам бовижонинг айтган панду насиҳатларини қалбингга жойлаб ол!

БАТАН ИЧРА БАТАН

... фақат жисмонан эмас, руҳан изтиробга тушиш, кечалари ухламай, алам ва оғриқ азобида ётган фарзанди устидан кўз ёшларини оқизиб ўтириш, буларнинг ҳаммаси онага хосдир.

3-б.

ПАРАДОКСНИ ЁКИ АКСИОМА

(Дунбўл репортаж)

7-б.

Ўша куни ҳам Андрей ўлжа излаб «ов»га чиқди. Аммо...

4-б.

НИҚОБЛИ «МЕҲМОН»

Мармар увоғи билан сувалган ҳашамдор уй кўз остига олинди

5-б.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қону ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Асрор АҲМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ

Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир ўрибосари)

Газета андозаси «Хуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинди, деб қўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:

700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 6 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34, 77-69-64, 78-74-39.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 16932

Буюртма Г - 0953

Қоғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ушбу сонга **З.Мамадалиев** навбатчилик қилди.

Мусахҳис: **О.Бегалиев**

Фармон ва ижро

Мамлакатимизда мустақилликка эришилган кундан бошлаб барча соҳалар қатори тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилди. Ишбилармонликни ривожлантириш борасида юртбошимизнинг кўплаб фармонлари эълон қилинди. Вақтида қилинган соғий-харақатлар зое кетмади. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳам-ашё базасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган давлатга айланиб бормоқда. Буни бугунги кунда жаҳон иқтисодчилари ҳам тан олмақда. Тадбиркорликни ривожлантиришда, корхоналар оёққа туриб олишларида давлат томонидан берилётган кредитларнинг ўрни беҳис. Банклар томонидан берилётган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаётганимиз? Улар қандай мақсадларга сарф қилинмоқда? Тошкент шаҳар прокуратураси ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида бир қанча ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиб чиқди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш банкининг Тошкент шаҳар бошқармаси 1995-96 йил давомида 31 та корхона ва ташкилотлар учун 77 миллион 200 минг сўмлик кредитлар берган. Минг афсуслар бўлсинки, ана шу кредитларнинг 66 миллион 810 минг сўми ва 54 миллион 500 минг сўмлик кредитлар фойдалари ўз вақтида банкларга қайтарилмаган. Кредит маблағларини талон-тарож қилган тижорат корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан 15 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Ҳақли савол туғилади. Давлатнинг миллион-миллион сўм пуллари қоғрга йўқолди? Албатта бунинг айбдорлари қонун олдида ўз қилмишлари учун жавоб берадилар. Энг ачинарлиси, бундай уста ишбилармонлар йилдан-йилга қамовий ўрнига қўпаймоқда. 1996-97 йиллар давомида ана шундай қунарларнинг 108 таси устидан жиноят ишлари қўзғатилди. Бунинг сабаби 230 миллион сўмлик давлат кредитлари банкларга қайтиб тушмаган. Айрим ташкилотлар раҳбарлари давлат кредитларини ўзлари хоҳлаганча қонунга зид равишда мақсадсиз ишлатиб юборган. 1997 йилнинг биринчи ярмида ана шундай раҳбарларнинг 17 таси устидан жиноят иши қўзғатилди. Мендан ўгина, сендан бўғина деб енг ичида иш битирмоқчи бўлган 3 нафар банк ходими ҳам давлат ҳисобидан «сахийлик» қилганлари учун жавоб бераяпти. Давлат мулкни, яъни банк кредитларини беришда ноқонуний ишларга бош-қош бўлганлиги учун суғурта компанияси раҳбарларига нисбатан 1 та жиноят иши қўзғатилди. 1996-97 йилларда кредитлар мақсадсиз ишлатилиб юборилганлиги учун корхона раҳбарлари устидан шаҳар прокуратурасининг умумий назорат бўлими томонидан 53 та жиноят иши қўзғатилди.

Ҳақли савол туғилади. Банк тизимида ишлайдиган раҳбарлар, давлат ҳисобидан кредит олади-диган ташкилотлар бошлиқлари саводсизми? Еки қонунни билмайди-

«ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ»

Кредитларни ўз вақтида қайтармаган Тошкент шаҳридаги айрим раҳбарларнинг хиргойисидан

ларми? Нима сабабдан улар давлат ҳазинасидан ўзларича «сахийлик» қилишмоқда? Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, икки томон ҳам бундан албатта манфаатдор. Бундан факатгина давлат ҳазинаси зиён кўрмоқда. Бунга юқорида айтилган жиноят ишларидоғи фактлар гувоҳ.

Давлат кредитларининг ўз мuddатида қайтарилмаслиги айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам айбдор. Сабаби улар олинган кредитлардан режа билан мақсадли фойдалана олмаётпти. Оқибатда кредит мuddатлари ўтиб қарзини қайтариш қийинлашмоқда. Хатто 1994-95 йилларда Ҳамза тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган 22 та корхона учун 69 миллион 190 минг сўмлик берилган кредитлар давлат ҳазинасига қайтиб тушмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Бундай ҳолатлар учун қиммат жавоб беради. 22 та корхона раҳбарлари қачон қарзларини узати? Вақт эса ўтиб бормоқда. Кредитларнинг берилганига ҳам 4 йилдан ошяпти.

Юқоридоғи ишлар юзасидан прокуратуранинг орашлувида сўнг кредит фойдаларини қайтармаганлик ҳолатлари юзасидан

ҳужалик судларига даъво аризалари киритилди. Яна бир мисол. Республика «Савдогар банки»нинг С.Рахимов тумани бўлимининг 13 та корхонага берилган кредитлар, шу билан биргаликда 6 та корхона кредит фойдаларининг нима сабабдан қайтмаганлигини прокуратура томонидан ўрганиб чиқилди. Оқибатда 8 та корхона бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Давлат ҳазинасидоғи ҳар бир сўм ҳисоб-китобли. Ҳеч ким ундан шахсий манфаати йўлида фойдаланишга ҳаққи йўқ. Буни кредит берган банк ва кредит олган ташкилотлар раҳбарлари яъни билиб олмақлари шарт.

Иқтисодиётимиз жодаллик билан олға бораётган бир шариоатда ўз иштини пухта билимаган, нопок қимсаларга катта корхоналарнинг раҳбарлик лавозимларини ишониб топширишдан сақланишимиз лозим. Акс ҳолда юқоридоғи мисолларда келтирилганимиздек, давлат ва халқ манфаатларига хиддий зиён етиши турган гап.

С.РЎЗИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.

Нуктаи назар

БАХТИНГА ЗАВОЛ БЎЛМА...

... Бу галги сўхбатимиз унчалик қовушмоди. Хат мазмуни билан танишсач, аёл юзини тескорли бурби олди. Унинг қув ўчган афт-ангоридо қаҳр-ғазаб ҳўкмон эди. У ҳаёлан қалтираб қаҳрини қимлардиган соқарди.

- Мен ичган бўлсам, ўз пулимга ичганиман, - деди у узоқ сукунатдан сўнг, - қолаверса, ҳеч қимдан кам жинги йўқ. Ҳозиргача ҳеч қимнинг кўнглини хира қилганим йўқ. Ҳаммаси бўхтон, қўришолмайди улар мени! Яхши яшашимга ҳасадлари келади...

Қошки эди, шундай бўлса?! Биз ногаҳон бу хонадонга келиб қолганимиз учун ўй эгасидан уэр сўрашга ҳам тайёр эдик! Ҳозирги кунда ҳаётимизда ҳавас қилса орайдиган, ўрناق ола бўладиган бахтли оилалар қамми?! Тўкин-соқинчи кунларда тинч-тотув яшашга нима етсин? Бир-бирлари билан ширин муомалада бўлаётган одамларни ҳўрмат билан тилга оламиз. Аммо ичиб, туңлари бақир-чақир қилодиган, қўшнларнинг ҳузур-ҳаловатини бўзадиганлар қимга керак?! Ҳамсўхбатимиз эса ўз айбини бўйинга олгиси келмасди. Доимо бировнинг туңоқи унинг кўзига тўядек кўринарди.

- Фарзандларингизга бош-қош бўлсангиз, уларни туғри йўлга солсангиз яхши эмасми? Эшингиз ҳам бир ерга бориб қолибди, - деймиз унга ётиги билан.

- Менга оқл ўргатманг, - яна аёлнинг эмасиси қотди. Гўёки, биз унинг зардасини қайнатиб юборгандек, - улар ҳам менга қўп насихат қилишди, - деб юқори қоватдагиларга ишора қилди, - мен ҳеч қимнинг насихатига зор эмасман.

Гап бефойда эканлигини билиш қийин эмас. Қанча қўйин-

манг, барибир тушунмайди, анкирро, тушунгиси келмайди. У ўзинча ҳақ!

Ҳар бир нарсани ўз қаричи билан улчайди.

- Қадимдан ён қўшни - жон қўшни, деган гап бор. Аммо бизнинг қўшнимиз бу нақлга тесқари иш тутади, - дейди Тошкентнинг Юнусов мавзесидо яшовчи М.Абдуллоева. - Ёши бир жойга бориб қолган, ҳозир нафақадон, қизи ва тўрт невароси билан туради. Аммо энг дахшатлиси-қизи билан қўшилиши вино ичиб, ҳақоратли сўзлар билан бақириб-чақиршади. Қўшнларни беобрў қилиб, уларни бир-бирига ёмонлайди. Шу ҳамсўямиз достидан қанда бир тинч хонадонда жанжал чикиди. Биз уни неча бор тартибга чакирганимиз, аммо ҳар сафар бизни беобрў қиладди.

Ҳа, ҳаётимизда ичкиликдан нолимаганлар бўлмаса керак. Шишодоғи оғу қулфат келтиришига мисоллар қўп. Қўпинча, эркакларнинг ичкили ичиши ташвишга солади. Аммо турмушимизда айрим хотин-қизларнинг ичкили ичишини тасаввур қилиш қийин, албатта. Аёл қишининг ичиши жимлатимизга ёт бўлган энг ёмон иллатлардан биридир.

Биз аёлни ҳаётимиз гули, деб таърифлаган бир вақтда ундан спиртли ичимлик хиди келиши, қанчалик дахшатдир. Боз устига уларнинг ичиб, тўпонон қилиши қўни-қўшнларга озор бериши ҳеч кеқириб бўлмайдиган ҳолдир. Биз аёлни она, ола, сингил, турмуш ўртоғи, қизимиз сифатида ҳўрмат қиламиз. Улардан келажоқ наслимизни кутамиз. Аёл зотини муқаддас билиб, уларга буюк инсон сифатида соқда қиламиз. Аммо баъзи ичувчи хонадон соқибалари ана шу ҳаётимиз гул-

лари орасидо курмак бўлиб, оилаларимизга фожиа келтираётганлигини ҳеч оқлаб бўлмайди.

- Яқинда касалхонадағи ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа дилимда ёмон из қолдириди, - деб ҳўқоқ қиладди нафақахўр Р. Ҳамдамова.

- Бизнинг хонамизга беш-олти яшарли болани ётқизишди. Бемор болани қўриб ҳаммамизнинг раҳимимиз келиб кетди. У мажрўх бўлиб туғилган экан. Даволашнинг ҳам вақти онча ўтиб кетибди. Ҳар қуни қоронғи тушганда, ҳаста болани қўргани бир аёл келади. У гўдақнинг олдида жингина ўтирганча, бошларини силаб-сийпаётди. Олиб келган нарсаларни қутичага қўяди. Боланга кўрсатмаган ҳолда қўз ёшларини артиб, секингина чиқиб кетди. Кейинчалик хабар талсақ, бу аёл оғир оёқ кезларидо эри билан ичкилик ичиб, ўз хомиласига етарли эътибор бермаган экан. Зурриёти мажрўх туғилган, эри ташлаб кетибди. Яққа қолгандон кейин яна аламиндан қўпроқ ичибди. Чақалқининг яшоб кетишига қўзи етмабди. Аммо у мажрўхлигинча ўсаверибди. Оғир сабри чидамай шифокорларга мурожаат қилибди.

Бунга ўхшаш мудҳиш воқеалар ҳаётимизда онда-сонда бўлсада учраб турибди. Демак, хўуқ оқибатлар ёшларимизга сабоқ бўлиши даркор. Айниқса, бўлаоқ оналар ақл билан иш тутишлари лозим. Бир доқиқалик қайф-сафо, завақ деб ўз зурриётларига зарар келтираётганларини ўйлаб қўришса ёмон бўлмасди.

Биз ҳаётимиздағи қўз илғоас ҳолатларга қўпинча бефурқ бўламиз. Айрим напок қўришларни ўткинчи, деб биламиз. Кейинчалик, катта хатоғ йўл қўйганлигини афсуски, жуд кўч-

англаб қоламиз. Ваҳоланки, ҳар биримиз ўз хатти-ҳаракатларимиз юриш-туришимизга ўзимиз ҳўсб бериб бурсақ ёмон бўлмасди, албатта, бу билан виждон бурчимизни адо этардик.

- Ҳар қуни ишдан қайтар эканман, қаҳвахоналарда чақнақлашиб ўтирган қувнок йигит ва қизларни қўриб, уларга ҳавас қиламан, - дейди олоқа ходими Р.Юсупов. - Ёшларнинг ҳаётдағи энг гўзал даври қувнок ўтишига тилақлошман. Аммо муқаймоқ, чанқовбосди неъматлар ёнида спиртли ичимликлар турганлигини қўрганимда ҳўшёр тортаман, гулгун чеҳралор олдидағи шаппан виноларни қўриб, уларни оғоҳ бўлишга чакиргим келади. Улар ҳозирча бу ичимликларни зовк учун ичишаётгани маълум. Аммо қ келтирадиган зарарни йигит-қизларимиз бирон марта ўйлаб қўришганимиз қимкин? Бу хатти-ҳаракатлари билан улар ўз бахтларига болта уришаётганликларини билишармикин?

Сўхбатдоғларим ҳар жихатдан ҳақ. Уларнинг ташвишларидо жон бор. Биз ўз умримизга завол бўладиган ёт ҳаракатлардан бутунлай ҳалос бўлишимиз керак. Турмушимизда ичкилик ичишга ҳеч қим мажбур эмас. Меҳнат қобилиятини йўқотмаслик, ҳамиятимиз учун қўпроқ фойда келтиришга ҳар бир инсон қодир. Қимки бахтли бўлишни истаса, ҳаёт оғуси-ичкиликдан юз ўтирсин! Айниқса, мактаб қўвуқларини бу иллатдан асраш лозим. Уларга бу бородо ота-оналар, ўқитувчилар, атрафдагилар шахсий намуна бўлишсин.

Ўсмир ва оила

КЕЧИЖКАН ТАРБИЯ

Янги авлодни камол топтириш мустақил давлатимизнинг таълим ва тарбия соҳасидати энг муҳим вазифасидир. Бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият барпо этилаётган бундан пайтда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилаётир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу қонунларда шахсни ҳар томонлама ўйғун ҳолда камол топтириш учун оила, маҳалла, мактаб, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини янада юқори босқичга кўтариш зарурлиги белгилаб қўйилди.

Оила-бу жамият таянчи, маҳалла эса миллий қадриятлар бешиғидир. Оила мустаҳкам, тотув бўлса, маҳаллада ҳамжихатлик қарор топса, фарзандлар халқ ва Ватан учун фидойи шахс сифатида камол топади.

Ота-она, жамият ва давлатнинг бурчи балаларни соғлом ўстириш ва уларга таълим беришдангина иборат эмас. Айна пайтда биз уларга замонавий касб-ҳунор ўргатишимиз, ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўта олодиган эркаклар, меҳнатсевар инсон сифатини тарбиялашимиз ҳам лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV баби 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вожа еттувчи қадор боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликлари белгиланган бўлиб, бу ҳар бир ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Лекин, афсуски, орамазида шундай ота-оналар ҳам борки, улар конституциявий бурчларини унутиб, ўз фарзандлари тарбиясини жамият зиммасига топшириб қўймоқдалар. Тўғри, жамият кишиларга моддий-руҳий

мадад беради, бироқ у ҳеч қачон ота-она ўрнини баса олмайдди. Қадим ота-боболаримиз ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчини муқаддас деб билганликлари ҳам бежиз эмас. Улар айнан фарзанднинг келажagini ўйлаб, оила бўзилишининг олдини олишга ҳаракат қилганлар. Ҳозир-чи? Афсуски, айрим ота-оналар ўртадаги фарзандларни эмас, кўпроқ ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолишди. Улар ҳудуд-беҳудда жанжаллашиб, болани тақдир ҳуқуқига топшириб қўймоқдалар. Ота-она ўз холича кун кечиргач, бола қандай аҳволга тушайди дейсиз?

Боланинг ҳаёт йўли, феъл-атвори ва маънавияти энг аввало, оилада шаклланади. Ота-она эса уни тўғри йўлга солувчи ўзига хос маекдир. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг юриш-туриши билан мутлақо қизиқмайди. Бундай болалар уйдан чиқиб кетиб, хоҳлаган номзодкучиликларга кўл урадилар, ўқишни ташлаб, ёмон йўللарга кириб кетадилар. Ҳозирда ана шундай ўсмирлар ва нотинч оилалар сони кўпайиб бораётганлиги бизни ташвишлантирмоқчи бўлиши мумкин эмас.

Бундай салбий кўринишларнинг сабабларини қердан излашимиз керак? Менимча, оиладаги носоғлом муҳит, бола тарбиясидаги ҳаттоликлар ва лоқайдлик, ўқув муассасаларда таълим-тарбия соҳасидаги камчиликлар, ҳуқуқ тарғиботининг суст олиб берилаётганлиги, милиция фаолиятида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган вожа етмаганлар билан индивидуал-профилактика ишлари олиб бориш етарли эмаслиги, ота-оналарга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмастлиги, болалар тарбиясини қучотиришда ўзининг салбий таъсирини кўрсотмоқда.

Бола тарбиясини жадвал асосида олиб бориб бўлмайди. Кундалик ҳаётнинг ўзи тарбия усуллари нисбатан тақозо этади. Ота-боболаримиз «Дархат ниҳоллида яшайди...» «Кўш уясида кўрганни қилади», деб бекор

га айтмаганлар. Ота-онанинг оиладаги ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати, феъл-атвори боланинг мурғак анги ва қалбида учмас из қолдиради ва вақти-соати келиб акс садо беради.

Айрим ота-оналар ярамас қилиқлари билан ўз фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар. Баъзилари эса болаларни тарбиялашни мутлақо ўзларига эп кўрмайдилар, фарзандлари олдида ўзларини одоб-ахлоқ доирасида тутга билмайдилар. Болалари ичкиликбозликка берилганда, безорилик қилганда, ҳақоратли сўзлар айтаётганда уларни йўлга солмайдилар. Боланинг ўқиши, ишга жойлашиши, юриштириш модданиятини назорат қилмаслик ҳам ота-онанинг ўз бурчини бажармаслигиндан бошқа нарса эмас. Ота-онанинг бундай ҳуқуқ-атвори эса бизнинг ахлоқ тамойилларимизга бутунлай зиддир.

15 дан 18 гача бўлган ёш - бу инсон ҳаётидаги энг нозик ва мурраккаб даврдир. Айна шу босқичда шахсининг феъл-атвори, ҳуқуқ ва маънавий олами шаклланади.

Бу пайтда бола тарбияси ота-онанинг ўзи жиддий эътибор талаб қилади.

Вожа етмаган Миша Лебедев кўп болани оилада ўсди, 23-мактабда ўқиди. Бироқ биринчи синфданбоқ дарсларни қолдира бошлади, тез-тез уйдан келмайдиган бўлиб қолди. Шундан кейин Чирчи шаҳар ички ишлар бўлимининг вожа етмаганлар иши бўйича инспекцияси томонидан ҳисобга олинди.

Инспекция нозирлари олиб борган профилактика ишлари ҳеч қандай натижа бормади.

Миша уйдан буткул беэиз кетди, чунки онаси унинг фарзанд сариқ чақалик кадр-қимматга эга эмасди. У кўпроқ ўз ҳузур-халоватини ўйлар, уйда бўладиган маишат-ниҳоллар учун ҳомиша пул толар, бироқ фарзанднинг яланг боши, яланг оёғи учун бир тийин ҳам сарфламастди. Уйига бегона эркак ва аёллар танда қўйиб олишган,

боғ-бот ичкиликбозлик уоштирилиб туриларди. Баъзан Миша уйига келганда қаҳирланган меҳмонларнинг базм-жамшиди устидан чиқар, етишга жой йўқлигиндан укалари билан ноилоҳ кўчага чиқиб кетарди.

10 нафар укалари каби Миша ҳам отасининг қилгинини билмайдди. Уйга онаси олиб келадиган турфа эркаклардан қайсисини «қода» дейишга ҳам ҳайрон эди. Чунки улардан биронтаси ҳам болаларни «ўғлим» ёки «қизим» деб эркатлатмас, Миша эса сеҳрли «ўғлим» деган сўзга қанчалик муҳтож эди!

Миша бир амаллаб 5-синфни тугатгач, ўқишни бутунлай йиғиштириб қўйди. Шундан кейин турли ҳуқуқбузарликлар содир этга бошлади, ўғирликка қўл урди. Лекин баалоғатга етмаганлиги учун у жиний жавобгарликка тортилмади. Ўчхотяг, ёш 16 га етганда яна ўғирликка қўл уриб, суднинг қора курсисига ўғирлишга мажбур бўлди.

Энг ёмони, онаси бу ноҳуш воқеадан зарроча қайғурмади, баласининг ортидан елиб-югурмади. Бунинг маълум сабаблари бор эди - Лебедева бунга қадор оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Аммо... Миша суд ҳукими ўқилгандан сўнг кўзлари ёша тўлиб, онасини сўради. У онасининг тасаллисида, меҳрига муҳтож эди. Бемехр аёл эса суд остонасига қадамини ҳам босмади. Миша ҳазонани ўтаётганда амнистия эълон қилиниб, озодликка чиқди.

Еруғликка чиқар экан, яна қалбида яхши кунларга умид уқулганди. Онам мени кўриб қувонар, деган ўй билан уйига кириб келди.

Афсуски, унинг болаларча орзулари онасининг нафратли нигоҳи ҳарқиссида чил-чил синди. Оилага симаган Мишани яна қўча болалари ўз бағрига олишди. Ажабки, бу болаларнинг тақдирини ҳам Мишанинг қисматиға айнан ўхшаб кетарди. Улфатлари Жена Ильин, Юра Бузуляк, Равшан Соудумар ҳам уйлоридан беэиз кетишганди. Ҳар куни уриш-жанжал со-

дир бўлиб турадиган, ота-она меҳри, раҳм-шафқати бўлмаган хонадонда яшашни уларнинг бирортаси ҳам истамасди.

Орадан кўп ўтмай, Миша яна жиноят содир этиб, судланди. Тарбиясизлик оқибати ҳали ҳаётда ўз ўрнини топмаган фарзанднинг ҳаётини алғов-далғов қилиб юборди.

Яна бир мисол: 1969 йилда туғилган Ирина Циганкованинг қарамоғида 2 нафар боласи бор, катта ўғли Руслан 10 ёшда, кичини Николай 6 ёшда.

Ёшлиғида тайинли тарбия олмаган она ўз фарзандларини бахтли болаликдан жудо қилди. Ахлоқсизлик кўчасига кирган Ирина 6 йилдирик, ҳисобда туради. Унинг ёмон ҳулқи Оҳангарон ҳокимияти вожа етмаганлар билан ишлаш комиссиясида бир неча марта муҳокама қилинган.

Аммо бу ҳам Ирина Циганковани ҳар қилгани йўқ. У ҳуқуқ воялардан билан қутулиб, болалари тарбияси билан шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Нобакор она ўз ўзининг турини нотинч «амакиларга» бериб қўйиб, тез-тез маишатбозлик уюштирадиган бўлиб қолди. Бундақда қисиниб-қимтиниб, кўзлари жовдираб қароб турган болаларнинг келгуси тақдирини, оқ қорни, юлғун устбоши худбин онани зарроча ташвишлантирмайди.

Ииллар эса ўтиб бормоқда. Бундай нотайин муҳитда ўсаётган икки норасидани келажоқда қандай тақдир кутаётган? Оналик меҳридан бебаҳра ўсган жажжи юраклар улағиғач, ўз атрофини ўраб турган бемаъни катталар каби тарбиясизлик кўчасига кириб кетмаслиғига ким қоғалат беради?

Биз, катталар болалар олдида ҳаммиша қорздоримиз. Уларни вожа еттувчи қадор муносиб инсон қилиб тарбиялаш конституциявий бурчимиздир. Ана шу бурчини унутиб, бола тарбиясини ўз холига ташлаб қўйган ота-она вақти-соати келиб «аттанг» деб қолиши ҳеч гап эмас. Лекин бу пайтда кеч бўлди. Бола тарбиясида эса кечкиш - кечирилмас хатоларга олиб келиши мумкин.

Ботир ИБРОҲИМОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
адлия кичик маслаҳатчиси.

Ўғирлик - хорлик

Одатда меҳмондорчиликка очик юз, очик кўнгли билан борилади. Бемаҳалда бировнинг эшигини қоқиш, мезбонни ошиқча уринтириш одобсизлик саналади. Ҳар қалай, биз кўрган тарбия, тутиган урф-одатларимиз шундай. Қибрайлик Жумабой Салимов ҳам шу фикрда эди. Аммо ёз кунларининг бирида юзида никоб, кўлида қўлқоп билан ташриф бўлган кутилмаган меҳмонлар унинг тасаввурини буткул лойқалантириб юборди.

1996 йилнинг июль ойи бошларида Қибрай кўрғонининг Меҳнат кўчасида уч нотайин йигит пайдо бўлиб қолди. Кунда - кунора кўчада кўриниб қолдиган йигитлар маҳалладошларнинг эътиборини тортар, лекин ҳеч ким «йўл бўлсин йигитлар» дейишга ботиномасди. Уларнинг бемаврид ташриф, олазорлар кўзлари беҳосият эканини яқинда нимадир содир бўлиши мумкинлигини кўпчилик таъминан билар, одатдагидек пана-панада шивирлашиб қўйишарди. Ва ниҳоят, уш оғайни ботирилар бир тўхтама келишди. Фўқор Ж. Салимовнинг мармар уёғи билан сувалган хашомдор уйи ўлжа сифатида эъз остига олинди.

«Эгаси билорқа ўхшайди», деди Баҳодир Рабобов хулоса оҳангида. - Шу уйга меҳмон бўламиз.

Бу «ир Раҳматилла Исमतов ва Амин Аширларга ҳам маъқул тушди. Кўр кўрни кечаси қўдаи, деганлари рост экан. Улар ҳеч қачон, бирон масала устида узок баҳслашишди. Фикрлари зумда муштараклашиб қўйилганлар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Нозик касб керакда.

Режанинг титлар меҳмондорчиликка ташриф қилиш мақсадида 15 июль куни Тошкент шаҳар Корасув - 1 даҳаси 7 «А» уй 23 хонадонга туғилди. Бека олим Раиса

НИҚОБЛИ «МЕҲМОН»

Бутовака олиб - юғуриб хизмат қилди. Аёллар пайпоғидан никоб тайёрлашди. Ишининг мувофакияти учун қадаҳлар кўтарилди. Баъзи жамшид айни авжига чиққан пайтсоат 03лар чамаси йигитлар йўлга чиқишди. Асаннинг ҳам коми ширин. Қолгани ишдан кейин олиндоғин бўлди. Ортикча мастлик иш пайтида ҳалақит бериши мумкин. Улар Меҳнат кўчасига етиб келишганда ҳамма тинч уйқуда ётар, гўё ҳаёт тўхтаб қолгандек эди. Бу «меҳмон»ларни анча дадиллантирди. Маҳалладаги сукунатини уларнинг қадамлари, жиноят томон тобора яқинлаштироётган қадамлар бузди. Учовлон амал-тақал қилиб уй ичига кириб олишгач, хонадон соҳибни улаётган хонани излашди. Яна Баҳодир Отабоевнинг синчовлиги иш берди. Босқинчилар Ж. Салимов етган хонага бостириб киришиб, унинг оёқ - қўлларини боғлаб, оёғига латта тикишди. Босқинчилар қўлидаги пичоқ унинг бўйини, кўкрак атрофи ва бошининг орқа томонига бир неча бор «тегиб кетди». Ж. Салимов бошини чангаллаганча жимиб қолгач, унинг тақдирига тан берганини англаган Б.Отабоева забон битди.

Пуллар қаердалигини ўз ихтиеринг билан айтмасанг, жонингдан умидингни узавер.

Уй эгасидан зарур жавоб олингач, ишга киришилди. А. Аширов эшик олдида пайлоқчилик қилди. Унда титқиллаш қобилияти пастроқ экан. Шериклари бир зумда уйни тинтиб, шип-шийдон қилишди. Улар туғилган тилла тақинчоқлору қимматбаҳо буюмларни санаш учун Б. Отабоевнинг сўмқасидек катта рўйхат тузиш керак бўлади. Шунинг учун уларнинг умумий сўмқаси бир миллион бир юз ўттиз саккиз миң уч юз еттиш сўмини ташқил қилишини ойтиш билан қийоғланамиз.

Босқинчилар ишни қўнлашлари арафасида қўшни хонада уқлаётган Ж. Салимовнинг қизи Мардона уйғониб кетиб, атаси ухлаб ётган уйда чироқ ёниқлиги ва бегона кимсалар борлигини сезиб қолади. Зийрак қиз «меҳмонхона» ни ташқаридан қулфлаб, онасини хабардор қилади. Эшик ташқаридан қулфлонганини пайқаб қолган А. Аширов тезда шерикларини оғохлантиради. Бундай пайтда эшикни бузишга уриниш бефойдалигини тушунаган йигитлар том орқали қочиб қолдишди. Улар қанча шошишмасин тақинчоқларни «унутиб» қолдиришмади.

Босқинчилар жиноят жойидан яширингач, жиноят изларини йўқотиш мақсадида никоб, қўлқоп ва пичоқларни овлоқ жойга ташлаб юборишди. Уғирлик билан қўга

киритилган буюмларнинг бир қисми «Отчопар» бозорига пулланади, қолганини гаровга қўйиб, А. Гарбунов деган шахсдан 800 АҚШ доллорини қорза олишди. Бели оғриматганини ош ейишини кўринг деганларидек, умовлон бир муҳта муҳдат ҳоволаниб юришди. Ҳақиқий ҳаёт нашидосини сурган бўлишди.

Аммо, уларнинг тинчлигини одатдагидек қилин қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартиб ҳодимлари бузишди. Уларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида, жиноятни қисқа фурсат ичиде очилган мувофиқ бўлинди. А. Аширов билан Р. Исमतовлар кўп ўтмай қўлга олинди. Б. Отабоев горчи бир йилча қочиб юрган бўлсада, бузоқнинг югургани сомон-хонача.

Хуллас, туман суди ушбу босқинчилик жиноят ишини кўриб чиқиб, Раҳматулла Исमतовни 16 йилга 6 ой, Алим Ашировни 15 йилга, Баҳодир Отабоевни эса 17 йил муҳдатга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, уларга тегишли молни давлат фойдасига мусодора қилинди.

Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтсалар керакда.

С. ОРИПОВ,
Қибрай тумани прокурори ўринбосари.

«Қонун ҳимоясида» саҳифаларида

ҲАМҚОРЛИҚДА ГАП КЎП ЭКАН

Асосий қонунимиз - республикамиз Конституцияси қабул қилинган кун декабрь ойида кенг нишонланди. Журнализмнинг 12-сонидаги дастлабки саҳифада ҳам ана шу байрам нафаси сезилди. Ҳуртобшомимизнинг бош қонунимиз ҳақидаги фикрлари билан очилган саҳифалар чиройли суратлар билан безатилган.

«Ҳимойи макон ва қонун устуворлиги» сарлавҳаси остида берилган журнал саволлариغا Навоий вилоят прокурори Ботир Қалонов билан Қашқадарё вилоят прокурори Каримберди Ганибоев атрафлича жавоб берганлар. «Қариндошлар қилмиши», «У ҳаётга тўймаган эди», «Қалованинг уч», «Кўли эри соқилар» каби мақолаларни журналхонлар катта қизиқиш билан ўқиб чиқадилар, деган умиддаимиз. Улар фош этилган айрим жиноятлар, уларнинг фош этилиш тарихи ва изқурларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақида.

«Бизнинг мусоаб» руҳи остида журналист Қурбон Журназаров Олтинсой туман прокурори Райим Хўжамқулов билан прокуратура, унинг ходимлари амалга ошираётган бугунги юмушлар ҳусусида сўз юритади.

«Прокурорнинг минг бир ташвиши» - номидан кўриниб турганидек, у анча масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Бу сафар «Қонун моддаларига шоржнни похтаимиз прокурорининг ўринбосари М.Мирсолиҳов давом эттириб, ўз чиқишини «Қамқ тарзидаги жазони ўташни таъминлаш муаммолари ҳусусида», деб номлаган.

«Қонун - мустақкам қалъ» мақоласидаги Қанаши туман прокурори Р. Ойматов ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Муаллиф жамиятимизда учраётган салбий ҳодисаларни батафсил (туман миқолида) таҳлил қилиб берган.

Бундан ташқари «Ақллилик балоси», «Тўрва кўтарган раис» ва бир қанча чиқишлар борки, улар ҳам қизиқиш билан ўқиб чиқилди. «Дунёнинг машҳур жосуслари» руқинининг муштарийлари яқунланаётган йилнинг сўнги сонида атом бомба жосуси, деб ном қозонган Klaus Fuchs шахси билан танишди.

Анджонлик қаламқаш Саида Аҳмаджонованинг «Қабоҳат» номли қиссаси ҳам барқонизга манзур бўлса керак. Адиба ўз асаридида ҳаётий мисоллардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилган.

12-сон билан танишиб чиқсангиз, таҳририятимиз аъзоларининг («Ҳамқорликда гап кўп экан») муносабатларини ўқисиз. Сиз, азияларга қарата янги - 1998 йилда ҳам ҳамқорликнинг, ўзаро журнал саҳифаларидаги юз кўришишимиз давом этвересин деймиз.

Зеро, «Хўқуқ» ҳам, «Қонун ҳимоясида» ҳам фақат сизлар учун, азиз муштарий!

Нодир МАХМУДОВ,
журналинг масъул
котиби.

Жиноятга жазо муқаррар



ши олтинчи қоралаб қолган, муқаддам судланган Ваҳоб Нурматов бир юмолбоқ тадбиркорга айланиб олганида кўнлар ажабланган эди. Бежиз эмас экан. У Алининг дўпписини Валига, Валининг дўпписини Солига кийтишга кўйишда устаси фаранг чиқди.

«Тараққиёт» дехқон хўжалиги раҳбари В. Нурматов, Ш. Рашидов туманидаги «Дехқонобод» пахта тазалаш заводи билан 55 тонна пахта этказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси тўзган эди. Унга асосан, 1995 йил 110 минг сўм аванс пули олиб, унинг 30 минг 224 сўмини 1994 йил учун банкдан олган қарзини қоплаш учун тўлаб юборди. 53 минг сўмини

пахтадан харажат қилинади. 50 минг сўмга бугдой уруғи сотиб олади.

Кузга келиб эса, ҳосил бўлмади қолди, деган баҳона билан пахта тазалаш заводига бир кил로그램 ҳам пахта топширмади. Меҳнатобод тумани иқтисодийни мувофиқлаштириш ва статистика бўлимига топширган ҳисоботида, 30 гектар майдонга пахта экилди, деб, шундай ҳисоботнинг бошқасида эса пахтадан ҳосил олинмади, деб кўзбўямачилик қилган.

Қовун қовунни кўриб, ранг олганидек, тумандаги «Ҳожиакбар» дехқон хўжалиги раҳбари Ҳожиакбар Пармонов ҳам Ваҳоб Нурматовдан ортда қолгиси келмади. У ҳам, «Дехқонобод» пахта тазалаш

гини нотариал расмийлаштириш учун маҳаллий бюджетга ва вилоят адлия бошқармасига 9880 сўм ўтказиб беради. Ишчиларга маош тариқасида тарқатиш учун банкдан 14 минг сўм пул олиб, унинг 5500 сўмини ўзи ўзлаштириб юборди.

1996 йилнинг 5,6,7 октябрь кунлари Янгиер шаҳридаги 2-урта мактаб ўқувчилори 3256 кил로그램 пахта терди, деб қалбаки ҳужжат тўғрисида, тўлов ведомосига ўзи қўл қўйиб 6542 сўмини ўзлаштирибди. Худди шунингдек, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Дехқончек» жамоа хўжалиги аъзолари 791 килogramm пахта терди, деб сохта ҳужжат тўғрисида 1967 сўм пулни жигилдонидан ўтказиб юборди.

Жинойи ҳаракатларининг изини йўқотиш, ўз эҳтиёжи учун ишла-тиб юборган 350 минг сўм вексел-нинг ўрнини қоплаш мақсодида Наманган вилояти Давлатобод туманидаги «Бехўж» ҳусусий фирмасидан бита ДТ-75 трактори дегатели, 5 тонна идиш-товоқлар, 50 метр труба олинди,

АЛИНИНГ ДЎППИСИНИ

ВАЛИГА

ерни ҳайдаш, текислаш ва минерал ўғит учун ҳеч бир ҳужжат тўзмасдан асосиз ишлаб ибюрди. 25 минг 724 сўм 40 тўйинга Ҳавас нефт базасидан 2238 литр А-72 маркали бензин олиб, уни ўғитининг тўйига ишлаб ибюрди. Лекин, давлатга, аванс пули берган пахта тазалаш заводида бир килogramm ҳам пахта топширмади. Заводга 83224 сўм моддий зарар етказди.

1996 йил 12 апрелда яна шу «Дехқонобод» пахта тазалаш заводи билан, 70 тонна пахта топшираман, деб 67-рақамли контрактация шартномаси тўзди. Бу-нинг эвазига 30 гектар эрининг 20 гектарини фуқара Холдорали Қодирова шопи экиш учун 80 минг сўмга сотиб юборди. Пахта заводи-дан пахта етиштириш учун берилган аванс пулининг 20 минг сўмини. «Бинокор» фермер хўжалигида омухта ем учун ўтказиб берилади. 38400 сўмини ҳеч бир ҳужжат тўзмасдан, иш ҳақиқа берилди, деб эқилмаган пахтада, иш-

заводига 160 тонна пахта топшираман, деб 1996 йил 11 апрелда контрактация шартномаси тўзиб, аванс тариқасида 350 минг сўмлик вексел олади ва ҳисоб рақамига 25 минг сўм пул ўтказилади, векселларни Ташкент «Отчолар»га бориб номаълум кишиларга арзон нарҳда нақд пулга сотиб юборди.

Ҳисоб рақамига келиб тўшган 25 минг сўм пулни ҳам талон-торож қилиб ўз эҳтиёжи учун ишлатади. Қоҳрамон қўрғони Нодира қўчасида жойлашган 2-уйни шахсий мулк қилиб сотиб олганли-

деб қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, Ёлғоннинг умри қиска дегандек, Ҳожиакбар Пармонов муаммолари

қалбаки сўмдан қувган Ваҳоб Нурматов ва Ҳожиакбар Пармоновлар қилмишига яраша жазога тортиб дилар.

К. ҲОЗИЕВ,
Меҳнатобод туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси.

Прокурор сўз сўрайди

ИНСОНГА ҚУЛЛИК МУНОСИБ ЭМАС

Инсон дунёга келиб, ўз дунёқароши ва эътиқоди билан одамлар орасида яшай бошлар экан, уни азалий ва абадий бўлган бир савол ўйлантиради: қандай яшаш керак?

Бу саволга дабдурустдан жавоб топиш қийин. Балъан бу жараён бир умр давом этади, қимнингдир ҳаёт мазмунига айланади. Зеро, инсон ўзининг қандай яшашгани, қайси йўлдан ва қаерга кетаётганини англаб етиш учун маълум таъриба, ҳаётий сабақлар ёки ўзгалар таъсири зарур бўлади. Дунёда шайтон атоладиган маълум ҳам борки, у доим бизнинг ҳар биримизни ва ҳаммомизни йўлдан адаштириш, ёвузлик томон етаклаш пайида юради. Унинг изида бўлиш эса, умр заволига барабардир. Бу йўлда одам ўзини, вужуди ва руқиятини кемирди, ўтмишини унутиб, келажакка болта уради. Аждодлар қарниши ва авлодлар лъанъатига учраёди.

Шайтон ниқидан қочиб учун одам ўзини-ўзи тергаб туриши, ўзига ҳар бир ҳаракати устидан саволлар бериши лозим. Айни пайтда сўраловорга виқдан билан жавоб қайтариш керак. Бу ҳаракатимиз мўйяни ички интизом, ички моданий асосида яшашга, ишлашга қўнмақ беради.

Бизнинг атрафимизда ҳам иродаси бўш, ахлоқи ёмон кишилар бор. Бундай қимсалар ҳаёт моҳиятига етиш учунга енгил-епли нарсаларга майл билдириб, қайфу сафо, айни-ишратни ўзи учун олий қадрият даражасига кўтардилар. Шундай тоифалардан биригёвёвандлардир. Авалига оддийгина кўнликдан бошланган эрмак бора-бора қўнликка тўсанли олиб, инсонни қўнлик, шайтоннинг малойига айлантиради. Бунинг баришрин лозат, ўткинчи ҳою-ҳавос оқибатида юзга келади. Инсонга қўнлик муносиб эмас. Унинг ягона эгаси бор. Ундан ўзига қўнлик лъанъатонади.

Бугун тиёвандлик бутун инсониятни ташвишга солапти. Табора авж олаётган бу

иллат, бизни унга нисбатан сергақ бўлишга, бор имконият даражасида қарши курашишга ундайди.

Тиёвандликка қарши кураш ва уни олдини олиш боросида республикамизда ҳам катта ишлар бошланган. Хўқуқни муҳофиза қилиш идоралари ҳамжизҳатликда бу иллатнинг пайини қирқиб, уни юзга келтирётган шарт-шароитни бартараф этиш юзасидан тинимой фаолият кўрсатмоқда.

Богот туманида ҳам тиёвандликка қарши кескин чоралар кўрилмақда. Қасални даъволашдан олдини олган маъқул, деганларидек, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсодида тезкор тадбирлардан ташқари, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмақда. Ҳар бир маҳаллада ўз мавқеи ва таъсирига эга бўлган оқсоқоллар бўлади. Биз биринчи гада ана шулар билан алоқа болмақда. Улар билан маслаҳатлашдик. Улар иштирокчида маҳалла-кўчаларда мўйяян режа асосида тарбия-ташвиқот ишларини олиб бориламиз. Бундан ташқари, ҳар бир шубҳали шахс, жиноятга майил бўлган кишилар доимий назоратимизда. Шунга қарамасдан, бу каби жиноятлар ҳамон кам бўлсада содир этилмақда.

Яқинда туман судида Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбланган Улўбек Жумабоев ва 272-модда аломатлари билан айбли деб топилган Олиёр Машариповларнинг жинойи ишлари кўриб чиқилди.

Ҳў, жиноят қандай содир этилган?

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд мажлисида аниқланишича, У.Жумабоев тумандаги А.Новоий ноҳли жамоа хўжалигида истикомат қилади. 1975 йилда турилган. Ҳалқ ибораси билан айтганда, ўнча гулдан биттаси ҳам очилмай улғурмаган яғит. Олинган тезкор маълумат асосида ички ишлар бўлими ходимлари унинг уйини кўздан кеирганда 27,6 грамм тиряқ тиёванд воситаси топилади. Тумон

тасдиқини топқач, суриштирув ишлари бошланди.

Улўбек И.Дўсов жамоа хўжалигида яшовчи О.Машариповдан 100 грамм тиряқ сотиб олганни маълум бўлди. У тиряқ истемол қилаётган пайт милиция ходимлари келаетганидан хабар топиб, қолганини кўчага улқотириб юборди. Олиёрнинг уйи тинтув қилинганда сотиш учун қолмаб қўйган 424 грамм тиёванд моддаси топилади. Тергов жараёнида маълум бўлишича, Олиёр Улўбекка тиряқнинг ҳар граммиди 160 сўмдан жами 16000 сўмга сотган. Улўбек бу пулининг 3000 сўмини тўлаб, қолганини топганда беришини ваъда қилган. Қарз берганидек бир, олганининг икки юзи қора, деганларидек бу савдо улар орасида жанжалга сабаб бўлиши аниқ эди. Улўбек эса, табиийки, бунгача бармасди. Чунки ишонли таъминотидан ажраб қолиш ҳавфи бор. Ҳўш, харидор 13 минг сўм пулни қавардан оларди? Табиийки, у аввало, ота-онасини, қолверса қариндош-уруғларини қийин-қистовга оларди. Мободо, улар толиб бера олмасалар, бирон жиноят содир этиши аниқ эди. Хўқуқни муҳофиза қилиш идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари мана шундай жумбоқларнинг олдини олди.

1997 йилнинг 16 апрель кунин вилоят ИИБ қилиб қидирув бўлими ходимлари тумандаги Галаба жамоа хўжалигида яшовчи Тўғонбади Жуманиёвнинг уйдан кўп миқдорда марихуана топишди. Дастлабки тергов пайтда уруғлари билан аралаш марихуананинг умий агирлиги 1350 грамм эканлиги аниқланди. Суд қимё-экспертизаси тиёванд модданинг соф агирлиги 483 граммлигини кўрсатди. Шунингдек, Қўн-Қаробор қишлоғида яшовчи Баҳромбек Бекмуродовнинг уйдан сотиш мақсодида соқланаётган 1 килogramm 163 грамм марихуана тиёванд моддаси топилади.

Албатта, ноҳлари келтирилган шахслар жиноятга яраша жазоланди. Аммо бу - иш битди дегани эмас. Қареддир жиноят содир

этилар экан, демак ўша жойда жиноятга мойил кишилар, қолверса шунга яраша шартот мавжуд. Акс ҳолда, бу каби жиноятлар содир этилмаган бўларди. Наҳотки, ота-она фарзандининг хатти-ҳаракатларидан беҳабар бўлса, ахир тиёванд модда истемол қилаётган шахснинг бежо юриш-туришини сезиш учун катта эътибор ёки синчков нигоҳ шарт эмаску. Нерадот фарзандларнинг жинойи ишларидан ота-оналарнинг беҳабарлиги ишонимиз келмайдди. Суд залида улар ўтказган 68 фарзанднинг уяв булган умрига ачинадиган экани шубҳасиз. Назаримда, судда соатлаб кўз ёши тўққандан қўра, вақтида фарзандини тергаб туриш ҳам осон, ҳам афзалдир.

Энди Бекмуродов Баҳромнинг хатти-ҳаракатларига келсак. У ҳам яқинлари эътиборидан четда қолган. Биз бу билан уларни оқламақчи эмасмиз. Тўғри, бош айбдор уларнинг ўзлари. Аммо, улар уйда 1 килogrammдан ошқ тиёванд моддани сотиш учун соқлаган экан, демак бу биринчиси эмас. Аввал ҳам шу иш билан шуғулланган, манқатан шундай ҳулосата келиш мумкин. Айни пайтда, уларнинг ўз мижозлари борлиги ҳам ҳақиқат. Агар хўқуқ-тартибот идоралари ходимлари тезкор ҳаракат олиб борматганларида, товар ўз харидорини топган, ўнлаб кишилар жиноят содир этган бўларди. Демак, доғда қолган харидорлар ҳамон орамида яшапти. Биз уларга нисбатан зарур таъсир чораларини кўришимиз лозим.

Ҳалқимиз бир боллага етти кўшни ота-она деб бежиз айтмаган. Биз маҳалладошимиз бирон наҳж ҳаракат содир этаетганда пойлағимиз, зарур аҳборотни олғач, қўни-қўшни, таниш-билишларга асуноччилаймиз, аммо унинг ҳаракатлари эрта-инди жамиятга зийф етказиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўраймиз. Маҳаллада бирон жиноят содир этилар экан, бунга ҳамма айбдор. Биз атрафимизда бу иллат билан бир жиноят учун ўзимизнинг айбли деб билишимиз лозим. Ана шунинг жамиятимиз яшаволанди, турмушимизбаравон бўлиб, ортилар рўёбга чиқар, ҳуллас, инсониятга бегона бўлган шайтаний иллатлардан қутулиш мавриди етди.

Жуманзар ОТАНАЗАРОВ,
Богот туман прокурори,
Бозорбой УЛЎБИБОВ,
«Хўқуқ» муҳбири.

Бир чимдим кулгу

Бошунгизни тебратасиз

XXI аср. Дарё ёқасидоги жарликда бува ва невараси турибди.

- Бува, бу ерда қачонлардир атом станцияси бўлган дейишоди, шу тўғрими?

- Тўғри, қароғим, тўғри, - деди бува ва неварасининг бошини силади.

- Унинг портлаб кетганим тўғрими?

- Тўғри, қароғим, тўғри, - деди буваси яна ва неварасининг иккинчи бошини силади.

Дюпон Янги йилда хотинига елпигич совға қилмоқчи бўлди. Дўкonda кўрдик, елпигичлар нархи икки хил экан: бириси - 25 франк, бошқаси - 5 франк.

- Баҳоси сифатига қараб қўйилганми? - сўради у сотувчидан

- Йўқ, қўлланмаган қараб, 25 франклиси елпийди, беш франклисини эса олдингида ушлаб турасизда, бошингизни тебратасиз.

Автомашина ҳўжайини: - Манами малласоч дўндикча лимузининг орқа ўриндигида қандай пайдо бўлди?

Ҳўжайини: - Ээр, ҳозирги сизга тўшунтираман.

Ҳўжайини: - Тўшунтиришинг ҳожати йўқ, яхшиши, мени у билан таништириб қўя қол.

Бемор: - Қорним оғрияпти, дўхтир. Жарроҳ:

- Қулогингни кесиб ташламаса бўлмайди.

Жон ширин эмасми, бемор қочиб даволоччи шифокор олдиға келибди.

Қорним оғрияпти, дўхтир. Жарроҳға борса, қулогингни кесиш керак, дейпти.

Жа ҳалдидан ошишди-да, бу жарроҳлар, - дебди тўнғиллаб даволоччи шифокор. - Ҳамма нарсаи кесишаверади. Мана, сизга таблетка, ичгин, қулогингиз ўзи узилиб тушоди.

Икки ветеринар филни операция қилишибди.

- Филни ичида бирорта анжомимиз қолиб кетмадими ишқилиб?

- Дарвоқе, ҳамшира қаёққа йўқолди?

Ҳазил-хузур

ПАРАДОКСМИ ЁКИ АКСИОМА

(Дулбул репортаж)

Мухбир бозордан радио репортаж тайёрляпти. У қўлидаги микрофони бозор бошлигининг азига тутиб сўраяпти:

- Бозорда ёшларимиз учун қандай шароитлар яратиб бераёпсизлар?

Бозор бошлиғи: - Ёшларимиз учун бозоримизда ҳамма шароитларни яратиб бераёлмиш. Ёшларимиз бозорда яхши савдо қилишлари учун ҳамма яхши шароитларни яратиб, яхши меҳнат қилаёлмиш.

Мухбир: - Ёшларимизнинг бозорда юришиға қандай қарайсиз?

Бошлиқ: - Ҳар хил.

Мухбир: - Нера?

Мақтабдан қолиб кетишётгани чатоқ-да.

Мухбир: - Мазмунли сўхбатингиз учун Сизға катта раҳмат! Энди бозорда юрган болалар билан сўхбатлашсак.

(Мухбир ўтиб кетаётган болага мурожаат қилади) Ҳов, бутда нима қилиб юрибсан? Қани, келчи, бир сўхбатлашиб қўяй. Нечанчи синфда ўқийсан?

Бола: - Олтинчида.

Мухбир: - Бозорда нима қилиб юрибсан?

Бола: - Ойимларға қарашвопман.

Мухбир: - Ойинглар нима сотади?

Бола: - Ҳар хил нарсалар.

Мухбир: - Нарсаларни қаердан олиб келасанлар?

Бола: - Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон...

Мухбир: - Секрет бўлмаса айтчи, бир кунда қанча топасан?

Бола: - Ҳар хил.

Мухбир: - Сир эканда, а? Ҳа, майли, бугун дарсға неға бормадин?

Бола: - Қизиқмисиз, амаки, ҳозир қаникул-ку.

Мухбир: - И-я, шунақами? Ҳай, майли, ўзи бозорни яхши кўрасанми?

Бола: - Яхши кўраман.

Мухбир: - Нимасини яхши кўрасан?

Бола: - Бу ерда одам кўп, инайкейин пул ҳам кўп.

Мухбир: - Бунақода ўқишинг қолиб кетмайдими?

Бола: - Ҳар хил.

Мухбир: - Ҳар хилинг нимаси?

Бола: - Бир хилда қоп кетади, бир хилда йўқ.

Мухбир: - Мана, сотувчиликни яхши кўрар экансан. Сотувчи билан савдогарнинг фарқини биласанми?

Бола: - Сотувчи яхши, савдогар ёмон.

Мухбир: - Нера ёмон?

Бола: - Сотувчи ўзи опкелии сотади, савдогар олиб сотади.

Мухбир: - Биларкансан-а! Ҳўш, сотувчи бўлиш учун нима қилиш керак?

Бола: - Мақтабда яхши ўқиш керак, кейин институтда яхши ўқиш керак-де.

Мухбир: - Қанақа фанларни яхши ўқиш керак?

Бола: - Физикани, математикани, тарихни.

Мухбир: - Физика нима бера-

ди?

Бола: - Физика мияни кучли қилади, математика пул санашни ўргатади.

Мухбир: - Ҳозир қандай китобларни ўқийсан?

Бола: - Ҳар хил.

Мухбир: - Бирортасини айтчи?

Бола: - Кўп-де. Ҳар хил девопман-ку.

Мухбир: - Демак, сотувчи бўлиш учун яхши ўқиш керак. Бунинг учун қаерға кириб ўқиш керак?

Бола: - Юридическийга.

Мухбир: - Пишиқ бола экансан. Зўр сўхбат чикди-да, ўзиям.

Бола: - Ока, бу магнитофонингиз бузуқми, ана, қаранг, касетаси айланмапта.

Мухбир: - Ие, қовун тушириб-миз-ку. Тугмачасини босиб эсдан чикибди-я. Энди, сўхбатни яна бир бошдан қайта ёзамиз. Гапларинг эсингда турибдими?

Бола: - Ока, бекорға анча вақтимни олдийиз. Бозорда «вакт-пул». Сиз барибир ганорар бермайсиз. Ярим соатда анча пул ишлаб олган бўлардим. Ҳўп, мен кетдим, ойимла кўрсалар уришадилар (кета бошлайди).

Мухбир: - Ҳой бола, шовмо! Эсиз, зўр интервью бўлудди-я. Сотувчи бўлиш учун физикани яхши билиш керак, дедимми? Парадоксми бу, ё аксиома?

Бола: - Мақтабда яхши ўқиш керак, кейин институтда яхши ўқиш керак-де.

Мухбир: - Қанақа фанларни яхши ўқиш керак?

Бола: - Физикани, математикани, тарихни.

Мухбир: - Физика нима бера-

Б.НАЗАРОВ.

Дўрмон ҳангомалари

МУҲЛИС

Илк насрий асари - «Сарбадорлар» тарихий романи билан китобхонлар назарига тушган шoir Мухаммад Али бир кунги машинасида ишта кетаётиб, чорроҳада мелисангнинг тўхташга ишора қилганини пайқамай қолади. Уланган миллидек тайёр турган мелиса кейинги чорроҳага етар-етмас орқасидан қувиб келиб, тўхтади. Шoir ичидан зил кетса-да, ноиллоқ ўзини қўлга олиб, оҳиста сўрайди:

- Ҳўш, нима гап ўзи? Тинчликми?

- Тинчлик, Мухаммад Али ака!

дейди шoirни таниган мелиса йигит негадир мулоийм тортиб. - Мен сиздан шу... «Сарбадорлар» романгизни қандай ёгансан деб сўрамоқчи бўлиб юрардим.

- Романи... яхши ёганман! - мелиса халқидан орак олдириб қўйган шoir ишнинг осон қўяётганидан қувониб, беихтиёр шундай деб юборганини сезмай қолади.

Э. ДАРВОКЕ

Паришонхотирлиги билан донг чикарган захматхаш олим ва ёзувчи

Маҳкам Маҳмуд Андижоний дуч келган жойда «Қиссаи Рабғузийнинг таппа-тайёр қўлёзмасини чап этмапти дея нашриёт директори Асрор Самаддан нолийверибди. Бу узун-қулоқ гапларини ахирги Асрор ака ҳам эшитибди. Бир кунги у Маҳкам ақани кўриб, сўрайди:

- Маҳкамжан, неға менинг қулогимни қиздириб юрибсиз?

- Неға ўзингиз Рабғузийни чикармайсиз?

- Бизға қўлёзmani топширганмисиз ўзи?

- Э, дарвоқе... - Маҳкам ака яптроқ пешонасини силаб, хатосини тан олади.

БУ ҚИЗИҚ ДУНЁ

СЕМИЗ «ГУЗАЛ»ЛАР

Италиянинг Пиза вилоятида семиз «гузаллар» кўриги бўлиб ўтди. Танловда александриялик 53 ёшли аёл Анжела Мазина голиб деб топилди. Унинг оғирлиги 145 килограмм бўлиб, бўйи 1 метру 67 сантиметрлик ташкил этади. Анжела «Супер-100» клубининг ҳам аъзоси. Бу клубга ҳамма ҳам қабул қилинавермайди, унга оғирлиги 100 килограммдан ортқк оёллар қабул қилинган.

Қизиғи шундаки, Анжеланинг эри атиги 70 килограмм.

ЖОН СМИТЛАР УЧРАШДИ

АҚШда исм ва фамилияси Жон Смит бўлган америкаликлар учрашди. Даллас шаҳрида ўтказилган учрашувда 500 дан ортқк Жон Смитлар бир-бири билан учрашди.

ЖУНДОРЛАР ТАНЛОВИ

Американинг «Нэшнл инкуайер» журнали «АҚШнинг энг қўп жулли кишиси» танловини ўтказди. Бутун танаси жул билан қолланган Родни Уйат исми киши биринчи ўринни эгаллади. Рафакисси турмуш ўртоғининг галабасидан жуда қувонди. Чунки Родни «аюйму» бўлсада, голиблиги учун анчагина қуригидан оладиган бўлди-да.

ЭЧКИ ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Саудия Арабистонининг Сака-ха шаҳрида яшовчи бир фуқоро эчкининг суги шифобахш экани ҳақида гап тарқатган. Буни эшитган қўлпаб касал одамлар эчки эгасининг уйига келиб навбатга туришган. Бу ҳол шаҳар ҳокимига ёқмай эчкини қамоққа олдириди ва халқ олдида ўлим жазоси ижро этилди.

ТИЛАНЧНИ ҲАМ ТУНАШДИ

Икки оёғидан ажралган қария Свердловск темир йўли шаҳ бекатининг бир чеккасида тиланчилик қилиб ўтирарди. Кун бўйи анча пул йиққан қария кайфияти кўтарилиб уйкуға кетиб қолди. Ёмон туш кўрган қария бирдан қўзини очиб қараса, «қазоматлар искирт теллоқ билан қўшиб пулни ҳам «чарчатиб» кетишибди.


КАЙФНИНГ ЗҶРИ БИЛАН

Гамбургта «Бурбон» ичимлигидан 12 минг литр келтирилди. Аф-суски, қўлгина шишалор синган эди. Шаҳар кенгаши одамларнинг соллиғига зарар деб синган ва вазр кетган вискили шишалардан воз кечишга қорор қилди. Оқибат уларни канализация ариғига ағдаришди. Канализациялардан кайфи ошган қаламушлар шаҳор қўчаларига чиккишди. Ҳатто отиб қўлланган кейин баъзи «ханжалкаш» одамлардай қаламушлар ҳам ботир бўлиб қалишаркан-да. Кайфи зўр қаламушларга одамлар ҳам пошшадек кўринган бўлса ажаб эмас.

Нарғиза МАМАДАЛИЕВА тайёрлади.

КРОССВОРД

Азиз муштарий! Қуйдаги таърифланган сўзларни топиб, шаклнинг рақамли хонасидан марказ томон ёйлар бўйича ёзиб машқни ҳал этинг.



- 1. Янги йилни биринчи бўлиб қўтиб оладиган мамлакат тарихидаги хон-сю оролининг жанубий-ғарбидаги шаҳар, маъмурий марказ.
2. М а м л а к а т и м и з д а аммалашётган спорт ўйини.
3. Узбек халқ мумтоз куйларидан бири.
4. Тўрт йилда бир бор такрорланадиган йил.
5. Вест-Индиядаги, пойтахти Кингстон шаҳри бўлган кичик давлат.
6. Саудия Арабистонидаги муқаддас, зиёратгоҳ шаҳар.
7. Ҳажий образлар яратанлиги билан жаҳонга танилган киноактёр, Халқор Тинчлик мукофоти совриндари.
8. Миср мамлакати пойтахти.
9. Қоракалпоғистондаги шаҳар.
10. Зeb-зйнат буюмлари ясовчи ҳунарманд.
11. «Тоҳир ва Зухра» фильми, Насриддиннинг саргузаштлари» комедияси билан танилган ўзбек кинорежиссёри.
12. Ташкентнинг қадимий дарвозаларидан бири.

- 13. Янги йил даракчиларидан бири.
14. Ой номи.
15. Шарқона шеърйи топишмоқ.
16. Юқори навли тиниқ - ақ шиша.
17. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» тарихий драмаси ҳақрамони.
18. Митти, сайроқи куй.
19. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик.
20. Қирғизистон ва Ўзбекистон худудларидан оқиб ўтувчи дарё.
21. Мамлакатимиздаги ашула ва ракс дастаси.
22. Ўзбекистонда ишлаб чикарилоётган автомобиль маркази.
23. Қутилаётган йилда таваллуғига 205 йил тўладиган ўзбек мумтоз шoirаси.
24. Ўзбек халқ давра қўшиқларидан бири.

Энди шаклнинг айланаларидаги ҳарфларни соти мийли йналлишида ўқинг. Ундан сизларга аталган табрик сўзлари аён бўлади.
Фозилжон ОРИПОВ.

1998 йил - ОИЛА ЙИЛИ

ЯНВАРЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

ФЕВРАЛЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	

МАРТ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

АПРЕЛЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

МАЙ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

ИЮНЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

ИЮЛЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

АВГУСТ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

СЕНТЯБРЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

ОКТАБРЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

НОЯБРЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

ДЕКАБРЬ

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

МУЧАЛ БҮЙИЧА БАШОРАТ

Сичкон - ўзини беҳатар ҳис этмайди. Яхшиси ўзига тааллуқли иш билангина шугуллансин. **Сигир** - беҳаловат, дарғазаб ва хатарли бўлади. Яхши кунларни кутади. **Йўлбарс** - кўнглига келган иш қилади. Омади чопади. Буюк ишларга қўлурсин. У ҳимоя остига олинган. **Қўён** - оилавий кишимиз ўзгаришларни ёқтирмайди, чунки улар соқин турмуш тарзини бузиши мумкин. **Балиқ** - бу унга ёқади. У ўзини кўрсатиш усулини топади... ва мукофотга тақдим этилиши мумкин. **Илон** - ҳаёт жуда зерикарли. Лекин бунинг ҳаммасидан у тегишли сабоқ чиқаради. **От** - эҳтимол бу йилдан фойдаланиб қолиб, яқин кишилардан узоқлашиб кетиши мумкин. Хар ҳолда қандайдир ўзгаришлар рўй беради. **Қўй** - ҳамма дунёни ўзгартириш билан машғул бўлиб, уни унутиб қўйишлари мумкин. У ғамгин бўлади. **Маймун** - бу йилда тамошабин сифатида яшайди. Унда ҳаракатлар туйғуси жўш уради. **Товуқ** - ҳамма нарса ўзгаради... Нақадар оғир... Бу жуда нохуш... Йил нақадар бешафкат... **Ит** - фидойилик учун имконият. У ўзини яхши ҳис этади, бахтиёр бўлади. **Тўнғиз** - ўзгаришлар... Ҳаммасига мослашаверади. Шундай бағри кенги, барчасига бардоши етади.